

Ғийбатнинг рухсат этилган турлари (9-қисм)



14:02 / 03.03.2018 4906

9. Ҳасрат ва афсус маъносида ғийбат қилиш. Афсус тарзида ғийбат қилиш дурустдир. Масалан, «Фалончининг намоз ўқимаётганига ёки зинога мубтало эканига афсусдаман», дейиш. Чунки бир кишининг ёмон ишлар қилаётганини кўриб, афсус чекиш яхши хислат ҳисобланади. Зеро, ҳар бир мусулмон ўз биродарининг гуноҳ қилаётганини, шайтонга мағлуб бўлганини кўрса, унинг ҳолига раҳми келиши лозим.

Насиҳат. Шақиқ раҳимахуллоҳ айтадилар: «Бир одамнинг ёмонлигини эсласанг-у, лекин унинг ҳолига раҳминг келмаса, сен ундан ҳам ёмонроқ экансан. Солиҳ бир кишини эсласанг-у, лекин қалбингда тоат ҳаловатини (лаззатини) топмасанг, янада ёмонроқ одам экансан».^[1]

Насиҳат. Калом илми намояндаларидан бири шундай дейди: «Кишининг ёмон сифатларини таҳқирлаш ва пастга уриш учун зикр қилиш ғийбат

бўлади. Унинг ҳолига афсусланиш маъносида зикр қилиш эса ғийбат саналмайди».^[2]

10. Ноаниқ ва мавҳум одамни ғийбат қилиш. Бир кишининг ёмон сифатларини унинг номини айтмай баён қилиш дурустдир. Бу ҳақда «Баззозия», «Сийрати Аҳмадийя», «Ад-Дуррул мухтор», «Хизонатур-ривоёт» ва бошқа китобларда зикр қилинган.

«?Ғийбат ўзи нима»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов

^[1] «Танбеҳул ғофилин».

^[2] «Хизонатур-ривоёт».